



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

<http://www.ishonch-doverie.uz>

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

2012-yil 5-iyun № 68 (3105) seshanba

ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ: Вақт синовидан ўтган ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг тақлифи билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 4 июн куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Тошкент аэропортида Ислон Каримов ва Владимир Путин ўртасида қисқача суҳбат бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг ушбу учрашуви мамлакатларимиз ўртасидаги олий даражадаги мунтазам мулоқотларнинг мантиқий давомидир.

Ўзаро ҳамжихатлик ва конструктивлик асосланган сиёсий мулоқот аънавий тарзда икки томонлама муносабатларнинг узок муддатли истиқболлари ва муҳим йўналишларига асос ярадади.

Ўзбекистон ва Россия Президентлари ўртасидаги мулоқотларнинг асосий қисми Кўксарой қароргоҳида, икки давлат раҳбарларининг расмий суратга тушиш маросими билан бошланди.

Президентимиз меҳмонни мамлакатимизга ташрифи билан самимий қутлар экан, ушбу учрашув икки томонлама муносабатларга доир кенг кўламли масалаларни муҳокама қилиш, томонлар ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни мақсад қилган аниқ йўналишларни белгилаб олиш учун яхши имконият эканини алоҳида таъкидлади.

Бугун Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларда ҳал қилиб бўлмайдиган бирор бир тўсиқ йўқ, минтақавий ва халқаро даражадаги кўптомламла ҳамкорликнинг самарали механизмлари ишлаб чиқилган ва изчил амалга оширилмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳужжатларро комиссия доирасида фаол иш олиб борилмоқда.

Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикасининг муҳим иқтисодий ҳамкорларидан бўлиб, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо алоқалари барқарор ва изчил ривожланмоқда.

2011 йилда Ўзаро савдо ҳажми 2010 йилдагига нисбатан 9 фоиз ўсиб, 6,7 миллиард АҚШ долларига етди.

Айни пайтда икки мамлакат раҳбарлари товар айирбошларни тубдан диверсификация қилиш ва сармоявий ҳамкорликнинг йўналишларини кенгайтиришдан ҳар икки томон ҳам манфаатдор эканини таъкидладилар.

Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги азалий ва мустаҳкам маданий-гуманитар ҳамда тарихий ришталар аънавий икки томонлама ҳамкорлик-

нинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Таълим соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда Тошкентда Россиянинг урта етакчи олий таълим муассасининг филиаллари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда, ушбу таълим даргоҳларида юқори малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Учрашувда томонлар ўзларини қизиқтирган долзарб аҳамиятга эга минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Музокараларда кўшни Афғонистондаги вазият ва воқеаларнинг эҳтимовлиги ривож таҳлилига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу мамлакатда тинчлик ўрнатилиши, унинг ижтимоий-иқтисодий тикланиши минтақادا хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда ҳамкорликнинг янги босқичдаги истиқболли йўналишлари белгилаб берилган.

Имзоланган Декларация кўптомламла Ўзбекистон-Россия муносабатларини ривожлантириш жараёнидаги навбатдаги мантиқий босқич бўлиб, ўзаро алоқалар узлуқсиз ва изчил равишда топаётганининг яна бир далилидир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 18 октябрдаги Эркин савдо зонаси тўғрисидаги шартномага қўшилиши бўйича истиқболдаги кўшма чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Шу билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи якунига етди. Самимий ва дўстона руҳда ўтган атрофилик, кенг кўламли музокаралар, эришилган муҳим келишувлар ўзаро манфаатли, вақт синовидан ўтган ҳамкорликни янада кенгайтиришдан, уни Ўзбекистон ва Россия халқлари фаровонлиги ва манфаатлари йўлида сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишдан икки томон ҳам манфаатдор эканидан далолат беради.

**Олим Тўрақуллов,
Ўза мухбири**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида

Маданият ва санъат соҳасида театр, кино, телевидение, халқ ижодиётини ривожлантириш борасидаги замонавий талабларга, халқимизнинг тобора ортиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларига жавоб берадиган юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш даражаси ҳамда сифатини такомиллаштириш ва тубдан ошириш, шунингдек, мазкур йўналишдаги олий таълим муассасаларида яратилган мавжуд моддий-техник базидан янада самарали фойдаланиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Мақамасининг 2012 йил 9 апрелда қабул қилинган 237-сонли фармойиши асосида ташкил этилган Комиссия ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент Давлат маданият институти ва Ўзбекистон Давлат санъат институти негизида Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти шартнома ва мажбуриятлар бўйича собиқ Тошкент Давлат маданият институти ҳамда Ўзбекистон Давлат санъат институтининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидаги йўналишлар Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг энг муҳим вазифалари этиб белгилансин:

маданият, театр санъати, кино ва телевидение соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган, халқ ижодиёти аънавларини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қодир, бадиий ижоднинг замонавий методлари, инновацион техника ва технологияларни пухта эгаллаган юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш;

маданий-маънавий бойликни асраб-авайлаш ва кўпайтириш, халқимизнинг бой маданий-тарихий мероси ҳамда миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғултириш асосида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган миллий театр мактаби ва бадиий ижод маҳоратини ривожлантириш;

ўқитишнинг замонавий шакл ва методлари, илгор педагогика, инновация ва ахборот-коммуникация технологиялари, электрон ахборот ресурслари, жумладан, Интернет-

дан кенг фойдаланган ҳолда, таълим жараёнининг юқори даражада олиб борилишини таъминлаш; Ёшларни ватанпарварлик ва миллий гоёга садоқат руҳида, маънавий юксак ва ҳар томонлама баркамол ривожланган, кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган шахслар этиб тарбиялаш;

маданият ва санъат соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

3. Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг 46 нафар штат бирлиги доирасидаги бошқарув ходимларининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Мақамасининг 2012 йил 9 апрелда қабул қилинган 237-сонли фармойишига биноан ташкил этилган Комиссиянинг Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида амалга ошириш кўзда тутилган қуйидаги тақлифлари маъқуллансин:

«Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш» йўналишини Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлар классификаторига киритган ҳолда, ушбу йўналиш бўйича бакалаврлар тайёрлаш;

«Маданият ва санъат соҳаси менежменти» ва «Оммавий тадбирлар режиссураси» йўналишлари бўйича янги магистратура мутахассисликларини жорий этиш.

5. 2012/2013 ўқув йилларида Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтига қабул квоталари 2-иловага мувофиқ, бакалаврлар тайёрлаш бўйича – 297 нафар, жумладан, давлат грантлари бўйича – 96 нафар ҳамда тўлов-шартнома асосида – 201 нафар; магистрлар тайёрлаш бўйича – 40 нафар, жумладан, давлат грантлари бўйича – 11 нафар, тўлов-шартнома асосида – 29 нафар этиб белгилансин.

6. Тошкент Ахборот технологиялари университетига «Ахборот-лаштириш ва кутубонашунослик» йўналиши бўйича юксак малакали мутахассислар тайёрлаш вазифаси юклансин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 7 майда имзоланган ПҚ-1751-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент Ахборот технологиялари университети 2012/2013 ўқув йилларида ушбу таълим йўналишида қабул

квотаси бакалаврлар тайёрлаш учун – 60 нафар, магистрлар тайёрлаш учун эса – 6 нафар этиб белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборот-лаштириш агентлиги Тошкент Ахборот технологиялари университети билан биргаликда икки ҳафта муддатда 2012/2013 ўқув йиллари учун қабул бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва «Ахборотлаштириш ва кутубонашунослик» йўналиши бўйича юксак малакали кадрлар тайёрлашни Тошкент Давлат маданият институтининг ушбу йўналишда таълим олаётган иккинчи-тўртинчи курс бакалавр ва магистрлари мазкур университетга ўқизишини ҳисобга олган ҳолда ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Мақамасининг 2012 йил 9 апрелда қабул қилинган 237-сонли фармойиши асосида тузилган Комиссияга Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти Тошкент Давлат маданият институти ташкили тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

8. Маданият ва санъат соҳасидаги кадрларни ташкил этиш ҳамда бошқариш бўйича янги магистратура мутахассисликларини жорий этиш.

9. 2012/2013 ўқув йилларида Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтига қабул квоталари 2-иловага мувофиқ, бакалаврлар тайёрлаш бўйича – 297 нафар, жумладан, давлат грантлари бўйича – 96 нафар ҳамда тўлов-шартнома асосида – 201 нафар; магистрлар тайёрлаш бўйича – 40 нафар, жумладан, давлат грантлари бўйича – 11 нафар, тўлов-шартнома асосида – 29 нафар этиб белгилансин.

10. Тошкент Ахборот технологиялари университетига «Ахборот-лаштириш ва кутубонашунослик» йўналиши бўйича юксак малакали мутахассислар тайёрлаш вазифаси юклансин.

11. Тошкент Ахборот технологиялари университетига «Ахборот-лаштириш ва кутубонашунослик» йўналиши бўйича юксак малакали мутахассислар тайёрлаш вазифаси юклансин.

12. Тошкент Ахборот технологиялари университети 2012/2013 ўқув йилларида ушбу таълим йўналишида қабул

лат санъат ва маданият институти асосий турдаги ўқув-лаборатория, сахна ва компьютер жиҳозлари, шунингдек, меҳнат ҳамда инвентарлар билан жиҳозлаш чора-тадбирларини белгилансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини параметрлари доирасида Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг таъминоти, таъмирлаш ишларини амалга ошириш ҳамда жиҳозлаш учун зарур маблағлар ажратсин ва бу ишларни келгуси йилларда ҳам кўзда тutsин.

10. Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Яланғоч даҳаси, 127а уй манзили бўйича жойлаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Давлат мулкни бошқариш қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон Давлат санъат институтининг бўшаётган биноларини Камолдин Бехзод номидаги Миллий ладиссоник ва дизайн институти балансига ўтказсин.

11. Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 21 июлдаги «Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-128-сонли қарори ва Вазирилари Мақамасининг 2007 йил 26 июлдаги «Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтининг номини ўзгартириш тўғрисида»ги 154-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Мақамасига қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги тақлифларни тақдим этсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 4 июн

ЎЗЛИГИНИ АНГЛАГАН ХАЛҚ

Президент Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби жавонимдаги энг азиз асарлар қаторидан жой олди. Уни тез-тез қўлимга оламан. Ҳар сафар кўз олдимда мамлакатимиз мустақиллиги арафасида ва мустақилликнинг дастлабки даврида олиб борилган жўшқин ва серқирра ижтимоий-сиёсий фаолият намён бўлади.

Эзгуликка даъват

Уша даврларда бошқарув идорасида фаолият кўрсатганим туфайли жараёнларнинг иштирокчиларидан бири эдим.

Бугун ҳам ўзимни қийнаётган саволлардан бирига жавоб топиш мақсадида китоб муталаасига киришдим. Кўз олдимда ўтган асрнинг 80-йилларидаги сиёсий-ижтимоий жараёнлар гавдаланди. Вазиятнинг нақадар мураккаб бўлганини ўша давр одамлари ҳали унутишмаган бўлса керак. Бошбашдоқликлар, турли гуруҳ ва оқимлар, сиёсий кучларнинг ола-таъсир қилишлари, аравани ҳар қим ҳар тарафга тортишга уриниш, бир-бирова «туҳмат тошлари» отиш урф бўлгани...

1989 йил 23 июн куни Ислон Каримов Республика раҳбари этиб сайланди. Эртасига Министрлар Советидаги

ийгилишда сўзлаган маърузасида «Биз бундан буён эскича яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди», дея таъкидланган қатъий сўзлари ҳамон қўлогим остида жаранглайди. Бу, нафақат йигилиш аҳлига, бутун Республика аҳолисига, ватандошларимизга даъват эди. Бу чорлов жамиятни янгилаш нақадар зарурлигини, бунинг учун эса соғлом кучларни бирлаштириш кераклигини аналгларди.

Ана шундай шароитда Ислон Каримов томонидан истиқлол гоёси улкан жасорат билан илғари сурилди. Ислон Каримовнинг 1989 йил 28 ноябрда Фанлар академиясида, 1990 йилнинг 20 январда Тошкент шаҳар фаоллари билан бўлиб ўтган учрашувлардаги нутқларида Ўзбекистоннинг келгуси тараққиёт йўли

ҳақида билдирилган фикрлари буни яққол исботлайди.

Умуман, «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида»ни муталаа қилган китобхон иқтисодиётни ривожлантириш, таълим ва илм-фан соҳасида қилинган ўзгаришлар қай тарада амалга оширилгани тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлади. Унинг кўз олдида яқин ўтмишимизнинг мураккаб тарихий-сиёсий босқичлари, Ислон Каримовнинг республикамаизни инкироздан олиб чиқиш, халқимизни қатъий билан мустақиллик томон бошлаш, ниҳоят, Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиш, умумхалқ сайловида ғолиб чиқиш, Президентлик қасамёдини қабул қилишигача бўлган, тинимсиз курашлар, кескин синов ва машаққатлар билан ўтган

фаолияти рўйи рост гавдаланади.

Юртбошимиз илк қадамлардан аҳолининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган сиёсат олиб борди. Жар ёқасига келиб қолган оғир ижтимоий-иқтисодий аҳолини ўнглаш, халқ дарди-га дармон бўлиш, йиллар давомида ечилмасдан келган муаммоларни ҳал этиш мақсадида аҳолига уй-жой қуриш учун участка майдонлари ва томорқа ерлари ажратиш, пахта яққахоқимлигига барҳам бериш борасида давлатимиз раҳбари томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Китобда ана шу жараёнларга доир маълумотлар ҳам акс эттирилган.

Буларнинг барчаси аниқ манбаларга таянилганлиги, ҳужжатларда акс этиб турганлиги, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодин бугун ҳам йигирманчи асрнинг тўқсонинчи йиллари ҳақида турли уйдирмалар тарқатиб юрган айрим кимсаларнинг сохта маълумотлари чагитишидан асрайди. Ёшларни ҳақиқатга тик боқишга ундайди. Қолаверса, бугунги ёрун ва фаровон кунларга осон эришилмаганидан ҳижоа қилиб, барчамизни истиқлолни қадрлашга даъват этади.

(Давоми 2-бетда).



«Соғлом оила — жамият таянчи»

2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши, жамиятимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Оилада соғлом муҳитнинг қарор топишида эса спорт ва жисмоний тарбия ҳал қилувчи омиллардан бири.

Касаба уюшмалари томонидан шахар ва қишлоқларимизда «Соғлом оила — жамият таянчи» широри остида ташкил этилган «Соғлом оила — жамият таянчи» оилавий спорт мусобақалари бу хайрли йўлда муносиб улуш бўлиб қўшилмоқда.

Кеча юртимизнинг сўлим гўшаларидан бири — Бустонлик туманида жойлашган «Кўёшли» болалар оромгоҳида мазкур мусобақаларнинг республика финал босқичи старт олди.

Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, шунингдек, пойтахт — Тошкент шаҳридан ташриф буюрган икки юз нафардан ортиқ спортсевар иштирок этётган мазкур оилавий мусобақаларнинг якулини билан нашримизнинг кейинги сонида батафсил таништирамиз.

Игор ТЕН олган суратлар

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ушбу китоб Ватан номли ягона уйимизни асраб-авайлаш...

Эзгуликка даъват

кан бунёдкорликларга дебоча бўлди. Эндликда Қорақалпоғистон улкан санъат...

Яқиндагина бўлиб ўтган «Асрлар садоси» фестивалини олайлик...

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Бугун касаба уюшмалари...

Президентимиз асарини мутолаа қилиб кўнглимдан кечган фикрларнинг...

Соғиндиқ НИЕТУЛЛАЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари...

УСТОЗ-ШОГИРД ТИЗИМИ АМАЛДА

Амалдаги ўқув йилида Бухоро вилоятидаги 80 та касб-хунар коллежини...

Коллеж битирувчилари амалиёт ўтгайдиган корхона, ташкилот ва муассасаларда...

Шартнома асосида

иссиқ овқат бериш ташкил қилинган. — Ҳаракатларимиз аниқ йўналишга эга...

сус, касб-хунар таълими тизимига тегишли қисмидаги масалалар юзасидан...


газ ишлаб чиқариш» унитар корхонаси томонидан Бухоро нефть ва газ санъати...

йўлга қўйди. Тасдиқланган ўқув режаларига асосан 3-курс ўқувчилари...



Мамлакатимиз автосаноати жадал ривожланиб бораётганини мазкур соҳага йўналтирилган ишлаб чиқариш субъектларининг сони ортиб...

Чустга янги корхона



Янги корхонада жорий йилнинг якунигача 174 минг донадан зиёд махсулот тайёрлаш режалаштирилган...

Ҳозир «Avtosanoatplast» масъулияти чекланган жамиятида 40 нафар йилгит-қиз меҳнат қилаётир. Суратларда: иш юритувчи Райхона Пулатова...

Илғор тажриба

Истиқлол йилларида «Навоийазот» ОАЖда янги ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга...

Обод маскан бўлади

Бугун жамиятимизда 12185 нафар ишчи ва хизматчи меҳнат билан банд. Уларнинг 3591 нафари 30 ёшгача бўлган ёшлардир.

Корхонамизда ишчи қадрни юқори поғонада бўлиб, уларнинг саломатлиги, оилалари мустаҳкамлиги...

Турли миллат вакиллари меҳнат қилаётган жамиятимизда аъзолар турмуш маданияти тобора яхшиланаётган бормоқда.

«Умид нихоллари — 2012» республика спорт мусобақалари байрамига тайёргарлик жараёнида...

Тўлқин РЎЗИМУРДОВ, «Навоийазот» ОАЖ касаба уюшма кўмитаси раиси

Муносабат

Қарши муҳандислик-иқтисодий институтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты У. Ҳайтов...

Ҳаёт талаби

Унда Президентимизнинг Тошкент шаҳрида Хотира ва қадрлаш кўнига бағишлаб ўтказилган маросимда...

Мамлакатимизда 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинганлиги ҳам инсон омиллиги бўлган эътиборнинг амалий ифодаси экани...

Ирода ТУРСУНОВА, Қарши муҳандислик-иқтисодий институти Маънавият ва маърифат бўлими услубчи

БОШЛАНГИЧДА НИМА ГАП?

Аёллар саломатлиги доимий эътиборда

«Урганчтрансгаз» шўъба корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси ўртасидаги ҳамкорлик аъзолар ҳуқуқларининг ҳар томонлама ҳимояланганини кафолатламоқда.

— Жамоа шартномалари орқали аёлларга янада кенгроқ имтиёз ва қўлайликлар яратилиши фаолиятимизда устувор вазифа қилиб белгиланган...

— Ил бошидан шу кунга қадар корхонада ишловчи 617 нафар аёлга моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 264 нафар нафақадаги хотин-қизга ҳам жамоа шартномаси орқали кўмаклашилди.

Билан фаол шуғулланадилар. Ўндан зиёд тренажёр, гимнастика анжомлари ишчи-хизматчилар ихтиёрида.

Жамоа шартномасида турмуш қураётган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам бир неча банд бўлиб, 108 та ёш оила ушбу имкониятдан фойдаланди.

Яқинда бошланғич касаба уюшма кўмитаси томонидан хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган яна бир тадбир амалга оширилди.

Корхона хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда «Репродуктив саломатлик» мавзусида давра суҳбати ташкил қилинди.

Тадбирда иштирок этган Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Дилфуза Ҳасанова, Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Абдиқаримова аёллар саломатлигини муҳофаза...

Муҳаббат ТўРАБОЕВА ёзиб олди

қилиш давлат аҳамиятига молик масала эканлигини таъкидлаб ўтдилар.


Вилоят ОИТСга қарши кураш маркази поликлиникаси бўлим мудирини Ф. Ҳалимовнинг ОИВ инфекцияси ва уни юқтирмалик учун нималарга аҳамият қаратиш лозимлиги ҳақидаги маърузасини корхона ишчи-хизматчилари кунт билан тингладилар.

Вилоят скрининг маркази директори Гулнора Сапарбоева мамлакатимизда амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» дастурининг аҳамияти, унинг доирасида вилоятимизда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида гапирди.

Урганч шаҳар тиббиёт бирлашмаси қошидаги марказий поликлиниканинг аёллар маслаҳатхонаси акушер-гинеколог Зийёда Ҳасанова маърузаси ҳам барчага манзур бўлди.

Давра суҳбатда билдирилган фикр-мулоҳазалар, шифокорлар тавсиялари иштирокчиларнинг турмуш тарзида акс садо беришига ишонамиз. Бундай тадбирларни бошқа корхоналарда ҳам ўтказиш ниятимиз бор.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА ёзиб олди



5 ИЮН — ЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ

Инсоният XX асрда фан-техника тараққиёти, ихтиро ва кашфиётлар билан бир қаторда экологик вазиятнинг кескинлашуви ва глобаллашуви каби муаммоларга ҳам дуч келди. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида қайд этганидек: «Экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, айниқса, ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этади».


Маълумотларга кўра, юртимизда 4,5 мингга яқин ёввойи ўсимлик, 2 мингдан зиёд замбуруғ турлари, шунингдек, умуртқали ҳайвонларнинг 677 мингга, умуртқасизларнинг эса 15 мингдан ортиқ хиллари мавжуд. Уларнинг аксарияти фақат бизнинг ўлкамизда учраши, айниқса, қувонардидир. Мутахассисларнинг фикрича, табиатда ҳар бир тур тарихан такрорланмас, генетик жиҳатдан ягона ҳисобланади. Йўқолган турларни қайта тиклашни эса сирам йолоғи йўқ. Бироқ, маълумотларга қараганда, сайёрамизда ўсимликларнинг қарийб 60 мингга, ҳайвонларнинг эса 7 мингдан ошқ тури бутунлай йўқолиб кетиш арасида.

Дунё ҳамжамияти биохилма-хилликни сақлаб қолишга жиддий эътибор қаратаётти. Бунда, айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташаббуси билан 1992 йилда имзоланган Биохилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция катта туртки бўлди. Ушбу ҳужжатни 200 дан ортиқ давлат, жумладан, Ўзбекистон ҳам ратификация қилган.

Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқнинг умумэътифот этилган норма ва тамойилларига асосан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш механизми тадрижий равишда ислоҳ этилди. Чунинчи, республикамизда 1991-2012 йиллар мобайнида экологик муносабатларни тартибга солишга қаратилган 27 та қонун ҳамда қарийб 100 га яқин қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Шунингдек, бугунги кунда айнан атроф-муҳит ва экологик тизимни сақлаш борасида 100 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият юритаётганлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Айниқса, Президентимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» миллий қонунчилик, жумладан, экологик қонунчилик тизимини такомиллаштириш борасида муҳим тарихий қадам бўлди.

Хусусан, унда атроф-муҳитни химоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрни белгиланган қаратилган «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш тақлиф этилгани бу борадаги фаолиятни такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда Экоҳаракат депутатлари



Ҳар биримиз масъулмиз

гурухи аъзолари томонидан «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, унда тақдимнома тақдимлаш мақсадида жойларда кенг жамоатчилик иштирокида 19 та тadbир ўтказилди. Ушбу тadbирларда қонун лойиҳаси юзасидан 70 дан ортиқ аниқ тақлифлар билдирилди.

Атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида давлат органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳали-ҳануз муайян камчилик ва қонунбузилишларга йўл қўйилаётганлиги ҳам жиддий муамمودир.

Жумладан, қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси томонидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тизимидаги ўрмон хўжаликларининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ фаолияти ўрганилди.

Айтиш керакки, давлат ўрмон хўжаликлари томонидан экотизимни яхшилаш, биологик турларни сақлаб қолиш борасида илҳомий ишлар амалга оширилиб, кейинги йилларда бу соҳада муайян ютуқлар қўлга киритилган. Энг асосийси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг табиий кўпайидиган ҳудудларини сақлаб қолиш, кўриқоналар майдонларини кенгайтириш ишлари самарали йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, туманлардаги давлат ўрмон хўжаликлари фаолиятида ҳануз ечимини топмаган қатор муаммо ва камчиликлар мавжуд бўлиб, улар ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонунийликни та-

минлашга салбий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, Муборак ва Қамачи давлат ўрмон хўжаликларида бириктирилган ҳудудда табиий пичанзор ва яйловларда пичан ўриш ҳамда чорва молларни ўтлатиш норма ва муддатлари белгиланмаган. Ваҳоланки, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасида бу маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тегишли қишлоқ ва сув хўжалиги, шунингдек, ўрмон хўжалиги давлат органлари тақдимномаси бўйича тақдирланиши қайд этилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Республика ўрмонларини химоя қилиш бўйича айрим меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомнинг 14-бандида пичан ўриш ва мол боқиш учун ороқли бўлган майдонлар ҳақида маълумотлар ўрмон хўжалиги юртувчи корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан бу майдонларни фойдаланувчилар ўртасида тақсимлаш учун пичан ўриш ва мол боқиш бошланғичдан камида икки ой олдин туман ҳокимликлари тақдим этилиши кўрсатиб ўтилган. Аммо, Муборак ва Қамачи давлат ўрмон хўжаликлари томонидан майдонларни фойдаланувчилар ўртасида тақсимлаш тўғрисидаги маълумотларни туман ҳокимлигига тақдим этиш амалиёти йўлга қўйилмаган.

Шу билан бирга, мазкур Низомнинг 15-бандида туман ҳокимликлари пичан ўриш ёки мол боқиш бошланғичдан кечи билан бир ой олдин фуқаролар-

ни, ўрмон хўжалиги юртувчи корхона, ташкилот ва муассасаларни пичан ўрнатиладиган участка ва яйловларнинг тақсимлашни ҳақида хабардор қилишлари кўрсатилган бўлса-да, бунга амал қилинмаган.

Ушбу бандда ўрмон хўжалиги юртувчи корхоналар, ташкилот ва муассасалар туман ҳокимлиги қарори асосида ўрмон чипталари берилишини таъминлаш ва участкаларни пичан ўриш ҳамда мол боқиш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ тўлов асосида натура ҳолида бериши кўрсатилган. Бироқ хўжалик томонидан ўрмон фондининг яйлов ҳудудларидан чорва молларини ўтлатишга чипталардан фойдаланиш рухсатномалари учун туман ҳокимининг қарори мавжуд бўлмаса-да, ўрмон табиий ерларидан фойдаланувчиларга Қамачи тумани бўйича 2010 йилда 55 та, 2011 йилда 85 та, Муборак тумани бўйича 7 та, 2011 йилда эса 9 та ўрмондан фойдаланиш учун чипталар бериб юборилган.

Бундай ҳолатларнинг мавжудлиги маҳаллий ҳокимият ва табиатни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида етарлича мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик мавжуд эмаслигидан далолат беради.

Илёс ЭГАМБЕРДИЕВ,
Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг Қашқадарь вилояти худудий бўлими етакчи маслаҳатчиси



Лазернинг кучи

Япония олимлари қалбаки дори-дармон махсулотларини аниқлайдиган қурилма яратдилар. Мазкур ускуна ўрамдаги дори воситаларини ҳам текшириш хусусиятига эга. Бу дори-дармон махсулотлари бозорини назорат қилиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Маълумотларга кўра, ушбу қурилмага ўрнатилган лазер ёрдамида бир неча сония ичида препаратлардаги кимёвий элементлар таркибин, демек, дори-дармоннинг ҳақиқий ёки қалбакилигини аниқлаш мумкин.

Чап кўл ўрнига ўнги

Финляндияда гайриодатий жарроҳлик операцияси амалга оширилди. Хабарларга қараганда, жарроҳлик жараёнида беморнинг ўнг кўли кесиб олинди, чап кўлининг ўрнига ўрнатилган. Унинг чап кўли қирқ йил аввал маълум сабабларга кўра кесиб ташланган экан. Маҳаллий нашрларнинг ёзишича, бемор киши бундан уч йил аввал инсульт хасталигига чалинган бемор танасининг ўнг қисми фалаж бўлиб қолган. Шу сабабли у жонсиз ўнг кўлини чап кўлининг ўрнига ўрнатишга аҳд қилган.

Сайёҳлар сони чекланади

Ҳиндистоннинг Археология бошқармаси дунёнинг етти мўъжизасидан бири — Тож Маҳал мақбарасини зиёрат қилувчи сайёҳлар сонини қисқартиришга қарор қилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Бундан кўзланган асосий мақсад Бобурийлар сулоласи томонидан бунёд этилган ушбу бетакор мейморий ёдгорлиқни асраб-авайлашдир. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, сайёҳлар сафининг тобора кенгайиб бораётгани мазкур ноёб обидага зиён етишига сабаб бўлмоқда.

Уч юз йиллик илдиэ

Хитойда ўтказилган кимовиди савдосида шифобахш жиншен ўсимлигининг уч юз йиллик илдиэ уч миллион юанга (400 минг АҚШ доллари) тенг сотилди. Маълумотларга қараганда, узунлиги қарийб 1,5 метр, оғирлиги эса 366 грамм бўлган ушбу илдиэ Чанбайшан тоғидан топилган. Экспертларнинг сўзларига кўра, жиншендан таъобот оламида кўп аслардан бўён дори сифатида фойдаланилади. У толиқиб, таъносил, ичак ва асаб касалликларини даволаш учун ишлатилади.

УЗА

САБОҚ

Ўттиздан ошганда...

Аёл ва эркекнинг 30-35 ёшдан кейинги руҳий ҳолати оила иқлимидан муҳим аҳамият касб этади. Бу даврда баъзи аёллар ақл билан ўзларини идора қилсалар, айримлари ҳиссиётга бўйсуниб иш тутишадди. Шу ҳолат аёлнинг эрига ва фарзандига муносабатида ҳам намойён бўлади.

Боламни тушунолмаяпман!

Ёши ўттиздан ошган аёл фақат ўз хатти-ҳаракатига эмас, балки бошқаларнинг қилмишлари учун ҳам масъул эканини англай бошлайди. У ён-атрофидагиларга ёрдам беришга интилади. Аёл бора-бора оиласи ва яқинларининг гамхўрига айланади. «Ўтиш даври»нинг яна бир жиҳати шундаки, аёл бу вақтда анча улғайиб қолган фарзандлари руҳиятини тушунишга қийналади. Баъзан бош фарзанд билан она ўртасидаги муомалада мурракабликлар юзага келади.

Мактабда ёки кўчада ўзини бошқача тутган ўғли ё қизининг аслиятини билмиш она учун оғир кечади. Айниқса, фарзандларнинг онага баланд товушда гапиргани ёки унга ўз сўзини ўтказишга уриниши янада ноқулайликни келтириб чиқаради.

Вақт тез ўтар, армонлар қолар...

Аёл ўттиз ёшдан ўтган, вақт жуда тез ўтиб кетаётганлигидан ўқинади, бой берилган имкониятларини эслаб руҳан азобланади. Шунингдек, аёл бу даврда ўз оиласини бошқа оилалар билан солиштира бошлайди. Қайсида жихатдан кўнгли тўлмаса, руҳий изтироблари бир неча ҳиссага ортади.

Психологларнинг тавсияларига кўра, бундай вазиятда аёл ҳаётини ўзгартирма олмаса, демек, шароитга кўнглини керак. «Мағлублигини тан олган аёл аслида қойилдир» дейди психологлар.

Яна шуни таъкидлаш керакки, ўтиш ёшдаги ҳар бир аёл оиладаги ўзаро муносабатларда мулойимлик ва ҳушёрликни кўлдан бермаслиги даркор. Бунинг учун у умр йўлдоши ва фарзандлари билан мулоқот чоғида бироз юмор ҳиссига эга бўлиши лозим. Ана шундагина мушкул вазиятлардан осон чиқиб кета олади.

Эркак «кўчанинг одами»ми?

Эркакларда ўтиш даври аёлларникидан сал бошқачароқ кечади. Фарқи шундаки, ёши ўттиздан ошган эркаклар хавфга дошишмандона кўз билан қарашади, оиладаги ўз ўрнининг юқоридан туришини исташади.

Шунинг баробарида ҳар бир эркак ижтимоий ва сиёсий мавқеини мустаҳкамлашга интилади. Бу истак йўлида эса анча-мунча куч-қувват кам сарфлашади. Табиийки, бунда уларнинг кўп вақти уйдан ташқарида кечади.

Баъзи ҳолларда эркаклар «мен фарзандларим ва рафиқам билан яқин муносабатда бўлолмаяпман, улар олдидан шахс сифатида ўзимни намойён эттолмаяпман» каби ташвишли ўйлар гирдолида қолади. Аксарият пайтларда эса «аёлим ва болаларим мени ҳурмат қилиши керак», деган фикрнинг миясига жойлаб олади. Демак, эркак киши ўттиз ёшдан ошганда оила аъзоларининг ва маҳалла-кўйнинг ҳурмат-иззатига сазовор бўлишни жуда-жуда хоҳайди. Аёл ҳам ўз ўрнида эркакнинг мана шу истаklarини унутмаслиги шарт. Шунда оила мустаҳкам ва беэвола бўлади.

Ҳою ҳавас ҳумор қилмасин

Масаланнинг гўят нозик бир томони бор. Агар эркак болалик кезларида ўзи ёқтирган бирор машғулот (ёки зарарли иллат) билан доимий шуғулланиб, кейинчалик, яъни оила қурган хавф тарзини ўзгартирган бўлса-ю, ўттиздан ошгандан сўнг ўша машғулот ёки зарарли иллат ҳаваси (ҳумори) унинг келажак мақсадини устун келса, ҳақиқий фожиа шунда бошланади.

Психологларнинг маслаҳат беришича, ўтиш даврида эркак киши ҳаёлий истаклардан йироқ юриши керак. Бунда эса аёлнинг эркакка бўлган диққат-эътибори муҳим ўрин туттади. Яъни, у етарли даражада синчков ва ҳушёр бўлмоғи зарур. Майда-чуйда камчиликларни тилга олавермаслиги, аксинча, умр йўлдошини аёб, унга оилада оқсоғишга муҳит яратиши фойда беради. Ҳар икки томон бир-бирига нафақат жисман, балки руҳан ҳам яқин бўлиши лозим. Шундагина ўттиздан ошган аёл ва эркакнинг ҳаёти зақкли кечади.

Демак, ўтиш ёшдаги ҳар бир аёл ва эркак ҳиссиётга эмас, кўпроқ ақлга таяниб яшагани маъқул. Бу нарсаларнинг турмуш синовларига бардош беришларида албатта асқотади.

Г. ЖАМИЛОВА

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Бугунги кунда банклар нафақат иқтисодиётда, балки ижтимоий турмуш тартибидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Мустаҳкам оила йилли муносабати билан деярли барча молия муассасалари томонидан аҳолининг тўй маросимлари ўтказиши, уй жиҳози ва уй-жой сотиб олиши учун истёмоёл ва ипотека кредитлари ажратилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тошкент шаҳар АТИБ «Ипотекабанк» Ҳамза туман филиали фаолияти ҳам бундан тасдиқлаб турибди.

Қулай Шароит

Жорий йилнинг май ойи ҳолатига мазкур банкка мурожаат этган ёш оилаларга 248 млн. сўмга яқин кредитлар ажратилиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган аёлларга ўз бизнесини ривожлантириши учун 891,18 млн. сўм кредит маблағлари йўналтирилди. Шунингдек, кичик бизнес субъектларига ажратилган 882,2 млн. сўм кредит уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун етарлича шароит яратилишига имкон берди.

Бундан ташқари, банк томонидан овқат ва ноозик-овқат махсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида 871 млн. сўмдан зиёдроқ кредит ажратилди. Бу эса истёмоёл бозоридида махсулот миқдори ортишига, таннархнинг пасайишига хизмат қилмоқда.

— Банкимизда миқозларга замонавий хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди филиал бошқарувчиси Мурод Абдукаримов. — Айни чоғда миқозларнинг аксарияти «Банк-миқоз» интернет дастуридан фойдаланаётган бўлса, 98 тасига «Интернетбанк», 11 тасига СМС банк пуллик хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилди. Шу билан бирга, истёмоличларга янада қулайлик яратиш ва хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш мақсадида ҳудудимизда фаолият кўрсатаётган савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналаридаги мавжуд терминаллар сони 444 тага етказилди. Улар орқали амалга оширилган айланма маблағ миқдори 40 млрд. 248,5 млн. сўмни ташкил этса, коммунал тўловлар учун ўрнатилган терминаллар орқали 4 млрд. 293 млн. сўм қабул қилинган. Йил якунига қадар терминаллар миқдорини янада ошириш кўзда тутилган.

Бугунги кунда банкимиз томонидан миқозларга тарқатилган пластик карточкалар сони 25 минг 117 таши ташкил этиди, шундан қарийб 99 фоизи ойлик маош учун расмийлаштирилган. Қолгани юридик шахсларга ажратилган корпоратив карточкалардан иборат.

Кўрсатилаётган хизматлар кўламидан кенгаётганлиги, хизмат маданиятининг юксалаётганлиги миқозларнинг банкка нисбатан ишончининг тобора мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Оллоназар ОҚНАЗАРОВ

ШАРҲ

Ҳужжатлар қаролатлади

Оила қадриятини англаш, уни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда мустаҳкамлигини таъминлаш борасида мамлакатимизда изчил фаолият юритилляпти. Бу борада Президентимиз томонидан қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниб, ҳаётга тadbир қилинибди ҳамда оила институтини ривожлантириш давлат сиёсатининг муҳим вазифаларидан бирига айланади. Узиға хос бой миллий тарихимиз, халқимизнинг азалий қадрият ва аънаналари эътибор олинди, Конституциямизга «Оила» боби киритилди. Унда оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланиб, жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқи мустаҳкамланди.

Конституциявий қоидалардан келиб чиқиб, Оила кодекс ҳамда бевосита оила билан боғлиқ талай қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида назарда тутилган вазифалар жамиятнинг асоси бўлиши оила институтини қўллаб-қувватлаш, баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролинини янада оширишга қаратилган. Унга асосан оила аъзолари учун 3 йилдан ошмаган муддатга мулк ва ер солиқлари ставкаларини икки баробарга камайтириш, уларнинг солиқ солинадиган даромадларини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар (музлатгич, телевизор, мебел ва ҳоказо) хариди учун олинган истёмоёл кредитини қайтаришга йўналтирилган маблағига тенг миқдорда жисмоний шахслар даромад солигидан озод этиш, республикамиз шаҳарларида ёш оилаларга мўлжалланган (2012-2013 йилларда 48 хонадонли 100 та уйни қуришни назарда тутувчи) «Ёш оилаларга турар жой» дастурини ишлаб чиқиш ва уларни 15 йилга қамуддат билан ипотека кредитлари асосида бериш каби

вазифалар қўзда тутилган. Бундан ташқари, мамлакатимизда ишлаб чиқилган узоқ муддатли фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун имтиёзли фоиз ставкаси бўйича энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдоридан уч йилгача муддатга «Ёш оилаларга истёмоёл кредитлари» дастурини ишлаб чиқиб ҳаётга тadbир этиш, ҳар бир туманда 50 нафардан кам бўлмаган ёш оилаларга бир бондан қорамол ва 200 нафардан кам бўлмаган ёш оилаларга 20 тадан уй паррандаси беришни ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш каби кенг қўламадаги тadbирларни амалга ошириш вазифаларни ҳам бор.

Дастурга асосан, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 апрелдаги «Оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ 2012-2014 йиллар мобайнида (маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан) 283 500 та совуғгич, 139 600 та газ плита ва кир ювиш машинаси, 510 200 та телевизор, электр чангоггич, микро-тўқилни печ, электр духовкалари ҳамда 1 млн. 144 мингга ёриткич, электр дазвол ҳамда кондиционер ишлаб чиқарили-

ши ҳам режалаштирилди. Жорий йил давомида республикамиз бўйлаб 75 та (жамоа бўлиб фойдаланиладиган) корхоналар ташкил этилиши, 2012-2014 йилларда электр-маиший техника товарларни сотиб олиш учун аҳолига жами 104 млрд. 500 млн. сўм миқдоридан имтиёзли истёмоёл кредитлари ажратилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилинганлиги ҳам бу борада қўйилган муҳим қадам бўлди. Ундаги меъёрларга кўра, оилавий корхонанинг ҳуқуқлари ва манфаатлари қонуний қамолатланган. Масалан, Мазкур қонуннинг 27-моддасига кўра, оилавий корхона молия-хўжалик фаолиятини режали текшириш кўпи билан 4 йилда бир марта амалга оширилади. Корхона янгидан ташкил этилган бўлса, у давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан дастлабки 3 йил мобайнида режали текширувдан ўтказилмайди.

Азизхон ЗОИРОВ,
Отбек ЗОИРОВ,
«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ
юридик бошқармаси ходимлари

СПАРТАКИАДА

Оила шарафини ҳимоялаб

Ўтган ҳафтада Наманган шаҳридаги «Баркамол авлод» мажмуасида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят кенгаши томонидан Мустаҳкам оила йилига бағишланган «Соғлом оила — соғлом фарзанд» шiori остида спартакиада ўтказилди.

Давлат дастурида кўзда тутилган мақсадларни ўзида ифода этган мазкур шior остидаги баҳслар кўпчилик тармоқлар ўртасида уюшқоқлик билан ўтказилди, вилоят босқичига энг саралар танлаб олинган.

Мусобақа очилишида бадий гимнастикачилар чиқишлари кўпчилик кувноқ кайфият улашди. Таъкидлаш жоизки, спортчи қизлар мураббиси Нигора Ҳамдаммова 2011 йил 30 сентябрида худди шу масканда Юртбошимиз билан суҳбатлашиб бахтига мушарраф бўлган. Шу тарихий ҳодисадан сўнг унинг фаолиятида кўплаб ижобий ютуқлар қўлга киритилди. Тантанادا иштирок этган шогирдлари муваффақияти улардан бир шингил холос.

Қизиқarli баҳсларга бой тадбирда хар бир тармоқ вакиллари биринчилик учун мurosасиз курашга киришди.
— Бундай мусобақалар фақатгина ишда эмас, ўзимиз, оиламиз соғ-

лиги ҳақида қайғуришда ҳам биринчи бўлишимиз кераклигини эслатиб туради, — дейди спартакиадада Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси шарафини ҳимоя этаётган Мастура Узоқова. — Бугун турмуш ўртоғим Озодали Узоқов ҳамда қизим Муштарийхон билан голиблик учун курашяпмиз. Мен ҳам, турмуш ўртоғим ҳам «Алишер Дарханбаевич» фермер хўжалигида ишлаймиз. Хўжалигимизда аъзолар саломатлигига алоҳида эътибор берилиши туфайли бугунгидек мусобақада иштирок этаётимиз.

Дастлабки шарт — югуриш, акробатика элементлари ва тўпни нишонга отиш бўйича мусобақага старт берилди. «Чақонлик ва мерганлик» эстафетаси ҳам қизиқarli тус олди. Навбатдаги шартлар — «Моҳир ҳужумчи», «Овчилар ва кўнлар» ўйини, «Қаддимизни ростлаймиз, сакрашни боллаймиз» ҳамда кўпураш мусобақалари билан спартакиада давом этди.

Тақдирлаш маросимида барча иштироқчиларга қимматбаҳо совғалар улашилди. Ўз оиласининг голиб сифатида эътироф этилиши эса нафақат қувонч, юксак фахр ҳамдир. Қиз фарзандлари билан иштирок этганлардан Узоқовлар (АСМ ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши номидан) учинчи, Исломқуловлар (Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши номидан) иккинчи, Юсуповлар (Истиёмоловлар ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши номидан) биринчилигини қўлга киритишди.

Ўғил фарзандлари билан баҳсга киришганлардан Турдиевларга (Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши) тенг келадигани топилмади. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши шарафини ҳимоя этган Ўйловлар эса иккинчилик билан қифоялашди. Шоҳсупанинг учинчи поғонасини Ҳожиевлар (Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши) оиласи забт этди.

Дилдора РАҲМОҲОВА, «Ishonch» мухбири

САРАЛАШ БОСҚИЧИ

Билиб турибмиз, сарлаҳани ўқиб, ичига қил сигмай турган ашаддий мухлисларнинг тепа сочи тикка бўлгани аниқ. «Раҳматига раҳмат» ёхуд «Нишумурага раҳматни ким айтади?» ёки бўлмаса, «Муҳими, Абрамов ишонапти» каби бир талай сарлаҳалар навбатда турганда, нега бундай йўл танлаганимизни тушутиришга ҳаракат қиламиз.

Ҳали ўйинлар кўп

Гап шундаки, биз яна ютқаздик. Гарчи мағлубиятта сира-сира муносиб бўлмасак ҳам. Нима ҳам дердик, ғалаба нашдасини суриш яна бизга насиб этмади. Ваҳоланки, шундай ҳол юз бериши учун жуда-жуда яқин эдик. Афсус...

Бразилияда 2014 йилда бўладиган жаҳон чемпионатида бериладиган йўлнамани учун ҳал қилувчи босқичнинг дастлабки учрашувини Ўзбекистон терма жамоаси Эронга қарши ўтказди. Ўйин бошланишидан оқибатда галати ҳолат юзага келди. Футболчиларимиз анча вақтгача ҳимоялашни мажбур бўлдилар. Беш, ун, ун беш дақиқа ўтди ҳамки, ўзгариш йўқ. Сал қолдики, томошбинлар «Жар» стадионидида ўтирганларини ҳам унутиб қўя эйишас! Хайрият, учрашувнинг учдан бир қисми ортада қолгандан кейингина ўйин Эрон жарима майдончаси яқинига кўчди.

22-дақиқада Виктор Карпенкода гол учун жуда қўлай вазият пайдо бўлди. Лекин унинг кучли зарбасини дарвозабон Маҳди Раҳмати қайтарди. 28-дақиқада бундан-да яхши имконият юзага келди. Ҳимоячиларимиз кўпол хатосидан сўнг Александр Гейнрих дарвозабон билан якка-якка чиқди.

Раҳмати яна маҳорат кўрсатди! Шундан кейин ҳам «Раҳматига раҳмат» демай кўринг-чи?!
Меҳмонлар жарима майдонидида футболчиларимиз томонидан яратилган қўлай вазиятлар бу билан тугаб қолмади. Аммо негадир голдан дарақ йўқ эди. Ниҳоят, ортиқиб кутилган фурсат етиб келди. 74-дақиқада юзага келган пала-партиш ҳолатда Одил Аҳмедов йўллаган тўп ҳавода дарвоза чизигини кесиб ўтди. Лекин кўз очиб юмгунча бўлмай ҳимоячи томонидан тўпнинг майдонга қайтариб юборилиши япониялик ҳамкам Нишимура ни гафлатда қолдирди чоғи, у бу голини инобатда олмади.

Ким билсин, ана шу нарса футболчиларимизнинг руҳий ҳолатига таъсир қилди, бугун жамоа орқа-ўнгига қарамай ҳужумга ташланди ва тўхталишлар ўрнини қоплаш учун ҳамкам томонидан қўшиб берилган тўрт дақиқанинг сўнги сонияларида... ҳаммаси яна чиппакка чиқди. Қарши ҳужум тактикаси бўйича иш тутган эронликлар ғалабани олиб кетишди. Ўртача масофадан берилган зарбани қайтаришга И.Нестерев охирик кўчди.
Шу тариқа биринчи учрашув мағлубият билан якун топди. Олдинда

яна еттита ўйин турибди. Албатта, матбуот анжуманида Вадим Абрамов барчанга тинчлантиришга уриниб, «Саралаш босқичи ўйинлари энди бошланди. Ҳали ўзимизни ўнглаб оламиз», деганича бор. Бунинг учун ёзиб ва ёзиб қўйилмаган баъзи шартлар бажарилиши лозим, холос. Булардан бири ва муҳими, хар бир учрашувга энг сўнги ва ҳал қилувчи ўйин сифатида қаралиши даркор. Акс ҳолда, ҳали вақт бор, имконият бор деб авваллари бўлиб келгани каби яна томошабинга айлиниб қолиш ҳеч гап эмас.

Яна бир шарт, бу таркибни ҳолисанилло кўздан кечириш билан боғлиқ. Майдонга чиқарса ҳам, чиқармаса ҳам бўладиган «ўртаҳол»ларини яна бир қарра элқадан ўтказиб олини э ёмон бўлмасди. Ва энг асосийи, ўйин тақдирига муносабат. Футболчиларда жиддий ва масъулият билан ёндашуш ҳисси жўш урсганина қутилган натижага эришиш мумкин.

Ҳа, айтганча, Ўзбекистон терма жамоасини Ливан билан бўладиган ўйинга Миржалол Қосимов бошлаб тушадди. Бош мураббий алмушави туфайли зора ишларимиз юришиб кетса...
З.РИХСИЕВ



Ахмаджон ЭЛМУРОДОВ олган сурат

ЭҶТИРОМ

Боланинг бегонаси бўлмайд

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан Нукус шаҳридаги ҳарбий қисмларга қарашли таълим муассасаларида турли тадбирлар бўлиб ўтди. Жумладан, офицер Акмал Ортиқов бошқараётган ҳарбий қисмга қарашли «Кўёшча» болалар боғчасида ўтказилган тадбирда кичкинтойлар ўзларининг концерт дастурлари, спорт чиқишлари билан иштирок этишди. Уларга байрам совғалари улашилди.

Байрам муносабати билан офицер Авазбек Абдукаримов раҳбарлик қилаётган ҳарбий қисмга Хўжайли тумани халқ таълими бошқармасига қарашли Меҳрибонлик уйдан 108 нафар бола тақлиф этилди. Республика миқёсида ўтказилаётган «Боланинг бегонаси бўлмайд» акцияси доирасида байрам дастурхони ташкил қилинди. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари эса ўзлари тайёрлаб келган концерт дастурини намойиш этишди.



Шунингдек, Нукус гарнизон офицерлар уйда ҳарбий хизматчиларининг фарзандлари учун кўғирчоқ театри ташкиллаштирилди.
М. ҚОБУЛОВА,
Шимоллий Ғарбий ҳарбий округ касаба уюшма кўмитаси раиси

КўРИК-ТАНЛОВ



Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда шаҳар кенгашининг Хотинқизлар билан ишлаш комиссияси ҳамкорлигида Учтепа туманидаги 28-болалар мусика ва санъат мактабидида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастур тадбирлари ижросини таъминлаш, миллий қадриятларни тиклаш, урф-одатларимиз, халқ оғзаки ижодиётининг ранг-баранг намуналарини ёш авлод онгига сингдириш мақсадида олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида «Онам айтган аллалар» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ўтказилди. Танловда 15 та жамоадан 155 нафар ўғил-қиз иштирок этди.

Босқичма-босқич

Айтиш жоизки, жамоалар бор иқтидор ва маҳоратларини намойиш этидилар. Шунинг учун голибларни аниқлаш ҳамкамлар хайратига осон бўлмади. Сабаби, хар бир жамоа тақдим этган саҳна кўриниши бир-биридан қизиқarli, ўзига хос бўлиб, лапар, алла, ёр-ёрни маҳорат билан ижро этишлари танловга жиддий тайёргарлик қўрилганлигидан дарақ беради.
— Ушбу кўрик-танлов миллий аънава, урф-одатларини миздан тарғиб қилиш билан бирга ўз иқтидоримизни намойиш этиш учун имкониятдир, — дейди Учтепа туман 14-мактаб ўқувчиси Рисолат Суннатова. — Биз жамоамиз билан миллий қадриятларимиздан саналган «Алла»ни саҳна кўринишида ҳавола этдик. Танлов баҳонасида янги дўстлар ортириб, олам-олам кувонч олдик.
«Фаол иштироки учун» номинацияси бўйича Олий ва ўрта махсус таълими муассасалари ўртасида Тошкент Давлат иқтисодиёт ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети хамда Халқ таълими муассасалари ўртасида Яққасарой, Юнусобод, Сергели, Миробод, Ҳамза туман жамоалари тақдирланди.
«Энг яхши ва энг ёш алла ижрочилиги» номинациясида Сергели туман 267-мактаб ўқувчиси Машхура Абдуразақова, «Ўзига хос алла ижрочиси» номинацияси бўйича Учтепа туман 228-мактаб ўқувчиси Саломан Ғайбуллоев голиб деб топилди.
Республика йўлланмаси Халқ таълими муассасалари ўртасида Мирзо Улуғбек, Чилонзор, Учтепа ва Шайхонтоҳур туманлари вақтиндан кўпчилик кувонч олиб кетди. Олий ва ўрта махсус таълими муассасалари ўртасида Тошкент Давлат педагогика коллежи, 2-ўрин Тошкент Давлат Шарқшунослик университети, 3-ўрин Ўзбекистон Миллий университети жамоаларига насиб этди.
Жамшид ЭРҒАШЕВ,
К. УЛМАСОВ
олган суратлар



ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Боғбонми ё зиёкор?



Шаҳрисабз туманидаги «Лочин» мактабгача таълим муассасаси мудираси Зулфия Алимова билан суҳбатлашган киши бола тарбиясига онд кўплаб маълумотларга эга бўлиши шубҳасиз. Бу унинг соҳадаги узоқ йиллик тажрибаси билан боғлиқ.

Зулфия опа тумандаги «Оқ олтин», «Ором» мактабгача таълим муассасаларида энага, тарбиячи, услубчи-психолог бўлиб ишлади. 2008 йилдан эътиборан «Лочин»да мудира этиб тайинланди.
Опанинг ушбу машаққатли касбини танлашига оиласидида муҳит сабабчи. Отаси Карим Алимов кўп йиллар Қарши Давлат педагогика институтида (ҳозир университет) ўқитувчилик қилган.
— Ҳеч танлаган касбингиздан афсусланган вақтингиз бўлганми? — сўраймиз опадан.
— Боғча менинг биринчи уйим, — дейди Зулфия опа фахр билан. — Бу касбга ёшлиқдан қизиққанман. Ушанда мени ишга олаётган мудира: «Сингилм, ишимиз осон эмас. Чидай олмайсан», деганди. Аммо болажонлар билан ишлаш иштиқи ана шу машаққатни енгишимга куч берди. Айни

чоғда «Лочин»да 85 нафар ўғил-қиз таълим тарбия олаётган бўлса, улларнинг хар бири менга ўз фарзандимдек азиз.
Ота-она фарзандини бизга олиб келди, бола бу ердан қуруқ кетмаслиги керак. Машғулотларимиз «Болажон» дастури бўйича, турли ўйинчоқлардан фойдаланган ҳолда, ноанъанавий тарзда олиб борилди. Муассасамизда Замира Жумаева, Муяссар Маматова, Раъно Бўриева каби тажрибали тарбиячилар фаолият кўрсатмоқда. Улар изланувчан, янгиликка интилувчан. Эътироф этиш жоизки, «Шаҳрисабз пахта тозалаш» очик ҳиссасадорлик жамияти раҳбарияти ҳамда саховатли ота-оналар ҳойилигида муассасамизда таъмирлаш ишларини олиб бордик.
Ҳа, Зулфия опа раҳбарлик қилаётган мактабгача таълим муассасаси ёш авлоднинг камол топишида муҳим ўрин тутмоқда, десак янглишмаган бўлаемиз.
Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ўтганларнинг охираати обод бўлсин
Учтепа тумани ХТМФМТЭ бўлими ва Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшма Учтепа тумани кенгаши жамоалари 107-умумтаълим мактаби раҳбари Жанна Свердловга турмуш ўртоғи **Пётр СВЕРДЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

O'KUF FTUU
Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov
Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'Indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib)
Bo'lilmilar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73
Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon +99897 465 05 68;
Buxoro +99893 653 50 81;
Jizzax +99872 360 00 10;
Navoiy +99894 226 28 84;
Namangan +99897 491 79 28;
Samarqand +99866 708 70 12;
Surxondaryo +99897 458 05 07;
Farg'ona +99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +99862 562 56 75;
Qashqadaryo +99897 414 30 78
Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2012@gmail.com
Nashr ko'rsatkichi: 133
Navbatchi muharrir: A. Qodirova
Navbatchi: U. Ibodinov
Musahhih: N. Mahamov
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abdullilov
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi. Korxon manzili: «Buyuk Taron» ko'chasi, 41-uy.
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.
«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikr tahririyat nuqtai nazaridan qaytarilishi mumkin.
Tijorat matallari
2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.
Boshisha to'pshirish vaqti - 21.00
To'pshirish - 02.00
Buyurtma Γ — 611
21554 nusxada bosildi
1 3 4 5